

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

НАЗИРОВА ЭЛМИРА ШОДМОНОВА

СУЮҚЛИК ВА ГАЗЛАРНИНГ ФИЛЬТРАНИШ ЖАРАЁНИНИ
ТАДҚИҚ ҚИЛИШ УЧУН МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАР, СОНЛИ
УСУЛЛАР ВА ДАСТУРЛАР МАЖМУИ

05.01.07 – Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторский (DSc) диссертации

Content of the abstract Doctoral (DSc) Dissertation

Назирова Элмира Шодмоновна

Сууюқлик ва газларнинг филътрланиш жараёнини тадқиқ қилиш учун
математик моделлар, сонли усуллар ва дастурлар мажмуи.....3

Назирова Элмира Шодмоновна

Математическое модели, численные методы и комплекс программ для
исследования процессов фильтрации жидкостей и газов.....27

Nazirova Elmira Shodmonovna

Mathematical models, numerical methods and a complex program for research
processes of filtration of liquids and gases.....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....55

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

НАЗИРОВА ЭЛМИРА ШОДМОНОВНА

СУЮҚЛИК ВА ГАЗЛАРНИНГ ФИЛЬТРАНИШ ЖАРАЁНИНИ
ТАДҚИҚ ҚИЛИШ УЧУН МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАР, СОНЛИ
УСУЛЛАР ВА ДАСТУРЛАР МАЖМУИ

05.01.07 – Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

Техника фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.DSc/T170 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш web саҳифасида (www.tuit.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Равшанов Нормаммад**
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Арипов Мирсаид**
физика математика фанлари доктори, профессор

Хужаев Исмадулла Кушаевич
техника фанлари доктори, к.и.х.

Ҳабибуллаев Иброҳим Ҳабибуллаевич
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университетидаги DSc.27.06.2017.Т.07.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги __ рақамли реестр баённомаси.)

Р.Х.Хамдамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ф.М.Нуралиев

Илмий даржалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

А.М.Полатов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда газ ва гидродинамик жараёнларнинг математик моделларини яратиш, суюқликлар ностационар фильтрацияси жараёнларининг математик моделларини такомиллаштириш, чизиқли ва чизиқсиз фильтрация масалаларини ечиш учун сонли усуллар ва инфокоммуникация технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланишга ҳамда нефть-газ конлари ишлаши асосий кўрсаткичларини аниқлаш ва башоратлашнинг автоматлаштирилган тизимларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида, жумладан, АҚШ, Франция, Хитой, БАА, Эрон, Россия Федерацияси, Украина, Қозоғистон, Озарбайжон ва бошқа мамлакатларда нефть ва газлар ностационар фильтрацияси жараёнларининг математик моделлари, ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқиш ва дастурий таъминотини яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда ғовак муҳитда нефть ва газлар фильтрацияси жараёнларининг математик моделини яратиш, нефть ва газ конларининг асосий кўрсаткичларини ҳисоблаш алгоритмларини ва дастурий таъминот тизимларини ишлаб чиқиш, нефть ва газ конлари геологик ва гидродинамик объектларининг 3D моделини яратиш, фильтрация жараёнларини тадқиқ қилиш учун ҳисоблаш тажрибаларини ўтказиш ҳамда олинган натижаларни тадқиқ этишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу йўналишда, жумладан кўп қатламли ғовак муҳитларда нефть ва газлар ҳаракатланишининг мураккаб жараёнларини тадқиқ қилиш ва реал объектларни аниқлашнинг математик моделларини қуриш, ҳисоблаш алгоритмини ишлаб чиқиш ва автоматлаштирилган тизимларни яратиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга мураккаб конфигурацияли фильтрация соҳаси учун чизиқсиз масалаларни ечишнинг сонли ва аналитик усуллари ҳамда самарали алгоритмларини ишлаб чиқиш зарур ҳисобланмоқда.

Республикамизда ҳам нефть ва газ конларининг ишлаш жараёнларини лойиҳалаш, бир жинсли бўлмаган суюқликлар ностационар фильтрация жараёнларининг математик модели, чизиқсиз газ ва гидродинамик жараёнларни тадқиқ қилиш алгоритмларини ишлаб чиқиш, замонавий компьютер технологияларидан фойдаланиб асосий кўрсаткичларни ҳисоблаш жараёнларини баҳолаш, ҳамда автоматлаштирилган дастурий таъминотларни яратиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... иқтисодиёт, ижтимоий соҳага, бошқариш тизимига инфор­мацион-коммуникацион технологияларни жорий этиш, ... ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш»¹ вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

оширишда лойиҳалаш жараёни учун ғовак муҳитларда бир жинсли бўлмаган суюқлик ва газларнинг ностационар фильтрацияси жараёнларининг умумлашган математик моделлари, сонли моделлари, самарали ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқиш ва замонавий ахборот технологиялари асосида автоматлаштирилган тизимлар яратиш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 30 июндаги ПҚ-3107-сон «Нефть-газ соҳасининг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2016 йил 28 сентябрдаги ПҚ-2614-сон «2016-2020 йилларда углеводород хом ашёсини чуқур қайта ишлаш негизида экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Ғовак муҳитларда суюқликлар фильтрация масалаларини ечиш учун математик моделлар, самарали алгоритмлар ва дастурий таъминотларни ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан Mineral Engineering at the Pennsylvania State University, University of Texas at Austin, Missouri University of Science and Technology (АҚШ), Robert Gordon University (Буюк Британия), Institut Français du Pétrole (Франция), Polytechnic University of Turin (Италия), Technical University of Denmark (Дания), East China University of Science and Technology (Хитой), University of Petroleum & Energy Studies Dehradun (Ҳиндистон), Petroleum Institute Abu Dhabi (БАА), И.М.Губкин номидаги Россия Давлат нефть ва газ университети (Россия Федерацияси), Озарбайжон Давлат университети (Озарбайжон), Қозоғистон-Британия техника университети (Қозоғистон), Тошкент ахборот технологиялари университети (Ўзбекистон)да кенг қамровли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Нефть-газ конларида суюқлик ва газларнинг ностационар фильтрация жараёнларини моделлаштириш, бир жинсли бўлмаган фильтрация масалаларини сонли моделлари ва ғовак муҳитларда суюқликлар фильтрацияси масалаларини ечишга қаратилган ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор,

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи Department of Physics, University of California, Berkly, California 94720, USA, Department of Aerospace Engineering, Department of Energy Engineering and Science, Nagoya University Nagoya, Japan ва бошқа манбалар асосида фойдаланилган.

жумладан куйидаги илмий натижалар олинган: қатламлар орасидаги динамик алоқага эга ғовак муҳитда суюқлик ва газлар ностационар филтрацияси жараёнлари учун математик моделлар ишлаб чиқилган (University of Pittsburgh, АҚШ); ўрганилаётган объект параметрларининг тақрибий тақсимотини ҳисобга олган ҳолда нефть ва газ конларини ўзлаштириш бўйича математик моделлар яратилган (Robert Gordon University, Буюк Британия); бир жинсли бўлмаган суюқликлар ҳаракати билан боғлиқ бўлган технологик жараёнларни бошқариш ва мониторинги учун математик моделлар, ҳамда сув ҳайдаш йўли орқали қовушқоқлиги юқори бўлган нефть сиқиб чиқаришнинг сонли моделлари ишлаб чиқилган (В.Г.Тимирязов номидаги Қозон инновация университети, Кубан Давлат технология университети, Россия Федерацияси).

Дунёда нефть ва газ конлари ишлашида қатлам самарадорлигини оширишга доир қатор, жумладан куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: нефть қазиб олишни ошириш жараёнларининг математик модели, сонли усуллари ва самарали алгоритмларини ишлаб чиқиш; нефть қатламларига сув ҳайдаш орқали қатлам босимини сунъий сақлаш усуллари ишлаб чиқиш; асосий кўрсаткичлар бўйича башоратлаш ва заҳирадаги нефтларни аниқлашнинг математик моделларини ишлаб чиқиш; нефть ва газ қазиб олишни мониторинг қилувчи ахборот тизимларни яратиш; нефть ва газ конлари ишлашининг иқтисодий самарадорлигини оширувчи дастурий таъминот яратиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сув қатламларида нефть ва газ филтрацияси мураккаб динамик жараёнларининг математик моделларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш, шунингдек уларни ечишнинг сонли усуллари, ёмон ўтказувчан қатламга эга нефть ва газ қатламларида стационар ва ностационар филтрация масалаларини ечиш М.Sharma, Х.Азиз, Э.Сеттари, N.B. Lopuh, С.Аtkinson, К.Ives, Z.Mehdi, P.J.Monteiro, S.Banerjee, G.I.Barenblatt, M.Chraibi, D.B.Silin, F.Boyer, C.Lapuerta, S.Minjeaud, А.Дарси, Л.С.Лейбензон, А.Х.Мирзаджанзаде, М.М.Хасанов, Б.Б.Лапук, К.С.Басниев, С.Н.Закиров, Д.Ж.Ахмед-Заки, А.В.Ахметзянов, А.Никифоров, А.В.Цепаев ва бошқа олимларнинг ишларида кўриб чиқилган.

Ўзбекистон Республикасида ғовак муҳитларда кўп фазали суюқлик ва газларнинг ностационар филтрацияси жараёнларининг математик моделлари ва ҳисоблаш усуллари Ф.Б.Абуталиев, Ж.Ф.Файзуллаев Н.М.Муҳидинов, Р.Садуллаев, А.Бегматов, Б.Х.Хўжаёров, М.Арипов, И.Алимов, Н.Равшанов, У.С.Назаров, Ш.Каюмов, Я.Ярбеков, А.Мирзаев ва бошқа олимларнинг тадқиқот ишларида ўрганилган. Модулли принципга асосланган айрим чегаравий масалаларни ечишни автоматлаштириш муаммолари В.Қ.Қобулов, Ф.Б.Абуталиев, А.Неъматов, В.Ф.Бурнашев ва бошқа олимлар ишларида келтириб ўтилган.

Соҳага оид тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, ғовак муҳитда майда зарраларнинг чўкишини ҳисобга олувчи газ ва суюқликларнинг ностационар филтрацияси жараёнлари, мураккаб конфигурацияли

филтрация соҳалари, ёмон ўтказувчан қатламга эга динамик алоқали кўп қатламли ғовак муҳитларда газ ва суюқликлар ностационар ҳаракатланиши жараёнлари ҳозирги кунда етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ахборот технологиялари ва унинг ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион марказининг илмий тадқиқот ишлари режасининг №Ф4-ФА-Ф005 - «Мураккаб конфигурацияли математик физиканинг кўп ўлчамли синфлари нозизиқли масалаларини ечишнинг алгоритмик усулларни ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилиш» (2012-2016) ва №А5-019 - «Ғовак муҳитларни қуритиш ва сақлаш жараёнларининг иссиқлик ва масса алмашинуви масалаларининг ахборот ва дастурий таъминотини ишлаб чиқиш» (2015-2017) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кўп қатламли нефть ва газ конларининг асосий кўрсаткичларини аниқлаш учун математик моделлар, самарали ҳисоблаш алгоритмлари ва уларнинг комплекс дастурий таъминотини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

нефть ва газ қатламларининг тузилишини ҳисобга оладиган ва бир жинсли бўлмаган ностационар филтрация жараёнларининг математик моделларини қуришда фойдаланиладиган ахборот моделларини шакллантириш;

мураккаб конфигурацияли филтрация соҳаларида ва ғовак муҳитда майда зарраларнинг чўкишини ҳисобга олувчи суюқлик ва газ ностационар филтрацияси жараёнларининг математик моделлари ва ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқиш;

қатлам босимини сунъий сақлаб туриш учун силжувчи нефть-сув ва газ-сув чегарали ностационар филтрация жараёнларининг математик моделларини такомиллаштириш;

нефть-сув ва газ-сув соҳаларини ажратувчи чегаранинг ҳаракати ҳамда филтрация масалаларини ечишнинг самарали алгоритмларини ишлаб чиқиш;

кўп қатламли ғовак муҳитларда суюқликлар филтрацияси масаласининг математик модели ва уларнинг тақрибий-аналитик ечиш усулини ишлаб чиқиш;

ўзаро динамик алоқага ўтказувчан қатлам орқали эга икки қатламли ғовак муҳитларда нефть ва газ филтрацияси масалаларининг сонли моделларини ишлаб чиқиш;

ёмон ўтказувчан қатламга эга кўп қатламли нефть ва газ конлари ишлаши асосий кўрсаткичларини ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқиш;

бир ва кўп қатламли нефть ва газ конлари ишлаши асосий кўрсаткичларини ҳисоблаш ва тадқиқот натижаларини визуализация қилиш учун дастурий мажмуани ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида бир ва кўп қатламли ғовак муҳитларда суюқлик ва газларнинг ностационар фильтрацияси жараёнлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети ғовак муҳитларда газ ва суюқликларнинг ностационар фильтрация жараёнларини тадқиқ қилиш учун математик моделлар, сонли усуллар ва алгоритмлар, ҳамда муаммога йўналтирилган дастурий таъминотлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида ҳисоблаш математикаси, математик, компьютер моделлаштириш ва ҳисоблаш тажрибалари усуллари ҳамда дастурий тизимни ишлаб чиқишда дастурлаш технологияси усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мураккаб конфигурацияли фильтрация соҳаларида майда зарраларнинг ғовак муҳитда чўкишини ҳисобга олган ҳолда суюқликлар ва газлар ностационар фильтрацияси жараёнларининг математик моделлари ва ҳисоблаш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

суюқлик ва газ ҳаракати назариясига асосан босимни сунъий сақлаб туришда нефть-сув ва газ-сув силжувчи чегарасини ҳисобга олувчи ностационар фильтрация жараёнларининг математик моделлари нефть ва газ қатламли муҳитга сув ҳайдаш орқали такомиллаштирилган;

дифференциал-айирмалар ва ўзгарувчан йўналишлар усулидан фойдаланиб нефть-сув ва газ-сув биргаликдаги фильтрациясининг Стефан типигаги масалаларини ечиш учун самарали ҳисоблаш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

дифференциал-айирмалар ва тўғри чизиклар усулларини биргаликда қўллаб кўп қатламли ғовак муҳитда суюқликлар фильтрацияси уч ўлчовли масаласини мос бошланғич, чегаравий ва ички шартларда тақрибий-аналитик ечиш усули ишлаб чиқилди;

газ ва суюқликлар ҳаракатининг қонунлари асосида ёмон ўтказувчан қатлам орқали динамик алоқага эга икки қатламли ғовак муҳитда нефть ва газ фильтрацияси масалаларининг сонли моделлари ишлаб чиқилган;

ёмон ўтказувчан қатламга эга икки қатламли ғовак муҳитда суюқликлар ва газ фильтрацияси масалаларининг сонли моделлари асосида суюқликлар ва газ конлари ишлашида асосий кўрсаткичларини аниқлаш учун ҳисоблаш алгоритмлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

нефть ва газ конлари ишлаши жараёнида майда зарраларнинг ғовак муҳитда қўнишини ҳисобга олувчи асосий кўрсаткичларни ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий таъминоти яратилган;

қатлам босими паст бўлган нефть ва газ конларида сув ҳайдаш билан босимни оширишни ҳисобга олувчи математик модел асосида асосий кўрсаткичларни ҳисоблаш учун самарали ҳисоблаш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

ўзаро динамик алоқадаги ғовак муҳитларда нефть ва газ фильтрацияси жараёнларининг сонли ва компьютерли моделлари ишлаб чиқилган;

ёмон ўтказувчан қатламга эга ўзаро динамик алоқадаги нефть ва газ конлари ишлашида асосий кўрсаткичларини аниқлаш учун самарали ҳисоблаш алгоритмлари ва уларга мос натижаларни визуаллаштирувчи дастурий таъминот яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги фойдаланилган математик моделларнинг қатъийлиги, уларнинг масса ва импульс сақланиш қонунлари асосида қурилганлиги, ҳисоблаш математикасининг синовдан ўтган усулларининг қўлланилиши, жумладан, сонли усулларни қўллаш орқали зарурий аниқлик ҳисобга олинган ҳолда уларнинг турғунлиги текширилганлиги, реал физик жараёнларга мослиги ҳамда олинган натижаларнинг сифат ва миқдор жиҳатдан баҳоланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ғовак муҳитларда зарраларнинг чўкиши ҳисобига вақт бўйича муҳит ғоваклигининг ўзгариши, сув ҳайдаш орқали нефть-сув ва газ-сув чегарасининг ўзгариши, ғовак муҳит структураси, гидродинамик ва геологик кўрсаткичлари билан фарқланадиган қатламлар, ҳамда ўзгарувчан йўналишлар, чекли-айирмалар ва дифференциал-айирмалар усулларининг авфзаллигидан фойдаланган ҳолда фильтрация жараёнларининг такомиллаштирилган математик моделлари, икки ва уч ўлчовли фильтрация масалаларини ечишнинг аниқ ва самарали алгоритмларини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти нефть ва газ конларини ишлаб чиқишнинг асосий кўрсаткичларини кунлик ва йиллик ўзгаришини таҳлил қилиш ва башоратлаш учун дастурий мажмуа ишлаб чиқилгани, шунингдек суюқлик ва газ фильтрацияси мураккаб ностационар жараёнларининг математик моделларини, икки ва уч ўлчовли фильтрация масалаларини ечишнинг самарали ҳисоблаш алгоритмларини амалиётга тадбиқи билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қатламларнинг гидродинамик параметрлари орасидаги динамик муносабатларни ҳисобга олган ҳолда нефть ва газ конлари ишлашининг асосий кўрсаткичларини аниқлашнинг математик моделлари, ҳисоблаш алгоритмлари ва яратилган дастурий мажмуаси асосида:

нефть-газ конлари асосий кўрсаткичларини аниқлаш моделлари ва алгоритмлари бўйича «Газ конларини ишлаб чиқишнинг асосий кўрсаткичларини ҳисоблаш», «Ғовак муҳитларда нефтнинг филтрланиш жараёнларини математик моделининг дастурий таъминоти», «Динамик боғланган икки қатламли муҳитда газ конларини қайта ишлашининг асосий кўрсаткичларини ҳисобловчи дастурий мажмуани ишлаб чиқиш», «Икки қатламли муҳитда нефть филтрланиш масаласини сонли ечимининг дастурий мажмуи» дастурий воситаларидан «UNICON.UZ» ДУК томонидан фойдаланиш мумкинлиги тўғрисида хулоса берилган («UNICON.UZ» ДУКнинг 2018 йил 17 декабрдаги хулосаси). Натижада ғовак муҳитларда

майда зарраларнинг чўкиб қолиши, қатламга сув ҳайдаш орқали босимни сунъий кўтариш, ёмон ўтказувчан қатламга эга кўп қатламли муҳитларда босимнинг вақт бўйича ўзгаришини аниқлаш имконини берган;

икки ўлчовли ғовак муҳитларда суюқлик ва газларнинг ностандарт фильтрацияси жараёнлари учун ишлаб чиқилган математик модел, сонли усул, ҳисоблаш алгоритми ва дастурлар мажмуи «Муборакнефтваз» МЧЖнинг амалий фаолиятига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 8 ноябрдаги 33-8/8368-сон маълумотномаси). Натижада тажриба жараёнида олинган натижалар билан солиштириш яқинлиги 15%ни ташкил этган, шунингдек ҳисоблашга кетадиган вақтни 8–10 баробар қисқартириш имконини берган;

ғовак муҳитларда суюқликлар ностационар фильтрацияси масалаларини сонли ечиш алгоритмлари асосида яратилган дастурий таъминот «Джарқурганнефть» акциядорлик компанияси томонидан Сурхандарё вилоятидаги нефть ва газ конлар амалиётига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 8 ноябрдаги 33-8/8368-сон маълумотномаси). Натижада сув ҳайдаш орқали нефтли қатламлар самарадорлигини 10%га ошириш имконини берган;

нефть ва газ конлари ишлашининг асосий кўрсаткичларини аниқлаш бўйича олинган натижалар «Қасансой нефтваз разведка экспедицияси» МЧЖ амалиётига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 8 ноябрдаги 33-8/8368-сон маълумотномаси). Натижада икки қатламли нефть конлари ишлаши асосий кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва башоратлаш ҳамда қатлам маҳсулдорлигини 8–10%га ошириш имконини берган;

икки қатламли ғовак муҳитларда газ фильтрацияси жараёнларининг сонли моделлари «Шўртаннефтваз» МЧЖ амалиётига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 8 ноябрдаги 33-8/8368-сон маълумотномаси). Натижада кўп қатламли ғовак муҳитларда газ фильтрацияси жараёнини ҳисоблашни автоматлаштириш ва ҳисоблаш ишларининг тезкорлиги ҳисобига қатлам маҳсулдорлиги 8–10%га оширилган ва қудуқларга сарфни 8%гача қисқартириш имконини берган;

кучли ифлосланган нефтнинг ностационар фильтрацияси жараёнларининг математик модели, сонли алгоритмлари «ГИДРОИНГЕО институти» давлат корхонасида ишлаб чиқариш амалиётига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 8 ноябрдаги 33-8/8368-сон маълумотномаси). Натижада нефть ва газ конларидаги қатлам самарадорлигини 9–10%га ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг назарий ва амалий натижалари 9 та халқаро ва 15 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича 37 илмий иш чоп этилган, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, 9 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр қилинган, ЭҲМ учун яратилган 5 та дастурий таъминотларни қайд қилиш гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 197 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи **«Ғовак муҳитда нефть ва газнинг ностационар фильтрацияси жараёнини тадқиқ қилишнинг мақсади, вазифалари ва муаммо ҳолати»** бобида ғовак муҳитда нефть ва газнинг ностационар фильтрацияси жараёнини математик моделлаштириш бўйича адабиёт манбалари шарҳи ва таҳлили келтирилган. Кўп қатламли ғовак муҳитда фильтрация жараёнларини математик моделлаштиришнинг ҳозирги ҳолати қараб чиқилган ва унинг ривожланиш тенденцияси ўрганилган. Ғовак муҳитда нефть ва газнинг ностационар фильтрацияси жараёнини математик моделлаштириш учун инфор­мацион таъминот масаласи кўриб чиқилган.

Информацион модел асосида масаланинг қўйилишини тўғри шакллантириш, ҳисоблар ўтказиш, объект функционал­лигини таҳлил қилиш, маълум бўлган ва янги қонуниятларни кўрсатиш, ҳамда мураккаб объектнинг структураси ва тузилиши очилмаган омилларини ва бошқаларни ҳисобга олишга имкон берадиган илмий гипотезалар тўпламини тушуниш мумкин. Объектнинг инфор­мацион моделини куриш учун мақсадга йўналтирилганлик, акс эттиришнинг тўлиқлиги, адекватлик, мослашувчанлик, модуллилик, фойдаланишда соддалик, стандартлаш ва унификация, мувофиқлик ва узлуксизлик принцип­ларидан фойдаланиш лозим.

Нефть ва газ конларининг асосий кўрсаткичларини аниқлашда инфор­мацион моделларни куриш нефть ва газни кўп қатламли муҳитда фильтрация масалаларини тўғри акслантирувчи математик моделни ишлаб чиқиш ва ЭҲМда объект асосий кўрсаткичларини аниқлаш имконини беради.

Диссертациянинг иккинчи **«Ғовак муҳитда нефть ва газ фильтрацияси масаласининг математик модели ва сонли ечиш**

алгоритми» бобида нефть ва газнинг фильтрацияси жараёнида ғовак муҳитда майда зарраларнинг чўкиб қолишини ҳисобга олувчи математик моделлар, шу моделлар асосида шакллантирилган масалаларни ечишнинг сонли усуллари, ечиш алгоритмлари таклиф этилган ва олинган сонли натижалар муҳокама этилган.

Биринчи параграфда кичик дисперсияли заррачаларнинг ғовакликда чўкиб қолиши ҳисобга олинган ҳолда нефтнинг бир жинсли бўлмаган икки ўлчовли ихтиёрий ғовак соҳада ностационар филтрланишнинг математик модели ва масалани сонли ечишнинг ўзгарувчан йўналишлар усули асосида қурилган усули келтирилган. Чегаравий масала қуйидагича шакллантирилди:

$$\left\{ \begin{aligned} \beta h(x, y) \frac{\partial P}{\partial t} = \frac{\partial}{\partial x} \left(\frac{k(x, y) h(x, y)}{\mu} \frac{\partial P}{\partial x} \right) + \frac{\partial}{\partial y} \left(\frac{k(x, y) h(x, y)}{\mu} \frac{\partial P}{\partial y} \right) - Q, \end{aligned} \right. \quad (1)$$

$$\left\{ \begin{aligned} \frac{d\eta}{dt} = \lambda(\theta_0 - \gamma\eta), \quad \text{агар } (x, y) \in G \text{ бўлса;} \end{aligned} \right.$$

$$\left\{ \begin{aligned} P(x, y) = P_H, \quad \eta(t) = \eta_0 \quad t = 0 \text{ бўлганда,} \end{aligned} \right.$$

$$\left\{ \begin{aligned} - \frac{k(x, y) h(x, y)}{\mu} \frac{\partial P}{\partial n} = \alpha(P_A - P), \quad (x, y) \in \Gamma \text{ учун,} \end{aligned} \right.$$

$$\left\{ \begin{aligned} \oint_{s_{i_q}} \frac{k(x, y) h(x, y)}{\mu} \frac{\partial P}{\partial n} ds = -q_{i_q}(t), \quad (x, y) \in s_{i_q} \text{ ва } i_q = \overline{1, N_q} \text{ учун,} \end{aligned} \right. \quad (2)$$

$$\left\{ \begin{aligned} m = m_1 + \eta(m_0 - m_1), \quad k = k_0(1 - \sqrt{\eta})^3, \quad \beta = m\beta_H + \beta_c, \quad Q = \sum_{i,j=1}^N \delta_{i,j} q_{i,j}. \end{aligned} \right.$$

Бу ерда P – қатламдаги босим; P_H – бошланғич босим; P_A – чегарадаги босим; μ – нефть қовушқоқлиги; k – қатлам ўтказувчанлик коэффиценти; k_0 – қатлам бошланғич ўтказувчанлиги коэффиценти; h – қатлам қуввати; β – эластиклик коэффиценти; β_H – нефтнинг сиқилиш коэффиценти; β_c – қатламнинг сиқилиш коэффиценти; m – ғоваклик коэффиценти; m_0 – бошланғич ғоваклик; m_1 – чўкиб қолаётган масса ғоваклиги; q_{i_q} – i_q – чи қудуқ дебити; s_{i_q} – i_q – чи қудуқ контури; n – Γ чегарага ички нормаль; N_q – қудуқлар сони; η – ғовак муҳитда зарралари чўкиши тезлиги; γ – фильтрация параметри; λ – чўкувчи массанинг кинематик коэффиценти.

(1)-(2) масалани чекли айирмалар усулида ечиш учун қуйидаги ўлчамсиз ўзгарувчиларни киритамиз:

$$\begin{aligned} P^* &= P/P_0, \quad x^* = x/L, \quad y^* = y/L, \quad k^* = k/k_0, \quad h^* = h/h_0, \\ \eta^* &= \eta/\eta_0, \quad \tau = \frac{k_0 t}{\beta \mu L^2}, \quad q^* = \frac{q \mu}{\pi k_0 P_0 h_0}, \quad \lambda^* = \frac{k_0 \lambda}{\beta \mu \eta_0 L^2}, \quad \alpha^* = \frac{\mu L}{k_0 h_0}. \end{aligned}$$

Қулайлик учун юлдузча белгисини ташлаб юбориб, ўлчамсиз ўзгарувчиларга нисбатан (1)-(2) масалани қуйидагича ёзиш мумкин:

$$\left\{ \begin{array}{l}
h \frac{\partial P}{\partial \tau} = \frac{\partial}{\partial x} \left(\frac{k(x,y)h(x,y)}{\mu} \frac{\partial P}{\partial x} \right) + \frac{\partial}{\partial y} \left(\frac{k(x,y)h(x,y)}{\mu} \frac{\partial P}{\partial y} \right) - Q, \\
\frac{d\eta}{d\tau} = \lambda(\theta_0 - \gamma\eta), \quad (x,y) \in G \text{ учун}, \\
P(x,y) = P_H, \quad \eta(t) = \eta_0, \quad t=0 \text{ бўлганда}, \\
-k(x,y)h(x,y) \frac{\partial P}{\partial n} = \alpha(P_A - P) \quad (x,y) \in \Gamma \text{ учун}, \\
\oint_{S_q} k(x,y)h(x,y) \frac{\partial P}{\partial n} ds = -q_{i_q}(t), \quad (x,y) \in s_{i_q}, \quad i_q = 1, 2, \dots \text{ учун}, \\
m = m_1 + \eta(m_0 - m_1), \quad k = k_0(1 - \sqrt{\eta})^3.
\end{array} \right. \quad (3)$$

Масалани ечиш учун ўзгарувчан йўналишлар схемасининг алгоритмик ғоясидан фойдаланилди. Бунда r - вақт қатлаидан $r+1$ - вақт қатламига ўтиш икки босқичда $0.5\Delta\tau$ қадам билан амалга оширилади. Олинган чекли-айирмали тенгламалар тизимини ечишда прогонка усули қўлланилади.

Ғовак муҳитда заррачаларнинг чўкиш тезлиги η ни топиш учун (1) тенгламалар тизимининг иккинчи тенгламасини τ бўйича аппроксимация қилиб, қуйидаги формулага эга бўламиз

$$\eta_{i,j} = \frac{\lambda\Delta\tau\theta_0 + \hat{\eta}_{i,j}}{1 + \gamma\lambda\Delta\tau},$$

бу ерда $\hat{\eta}_{i,j}$ - олдинги вақт қатлаидан олинган $\eta_{i,j}$ нинг қиймати, унинг бошланғич қиймати (3) бошланғич шартдан олинади.

Топилган $\eta_{i,j}$ қиймати ҳар бир вақт қатламида ғоваклик m ва қатлам ўтказувчанлиги k коэффициентларини аниқлашда фойдаланилади.

Кичик дисперсияли заррачаларнинг ғовакда тутилиб қолишини ҳисобга олганда ғовак муҳитда газнинг ностационар фильтрацияси жараёнининг математик модели қуйидаги бошланғич ва чегаравий шартлар билан чизиксиз параболик типдаги дифференциал тенглама кўринишида ёзилди:

$$\left\{ \begin{array}{l}
\frac{\partial}{\partial x} \left(\frac{k(x,y)h(x,y)}{\mu} \frac{\partial P^2}{\partial x} \right) + \frac{\partial}{\partial y} \left(\frac{k(x,y)h(x,y)}{\mu} \frac{\partial P^2}{\partial y} \right) = 2amh(x,y) \frac{\partial P}{\partial t} - Q, \quad (x,y) \in G, \\
P(x,y) = P_H(x,y), \quad t=0, \quad (x,y) \in G, \\
-\frac{k(x,y)h(x,y)}{\mu} \frac{\partial P(x,y,t)}{\partial n} = \alpha(P_A - P); \quad (x,y) \in \Gamma, \\
\oint_{S_q} \frac{k(x,y)h(x,y)}{\mu} \frac{P}{P_{am}} \frac{\partial P}{\partial n} ds = -q_{i_q}(t), \quad (x,y) \in s_{i_q}, \quad i_q = 1, 2, \dots
\end{array} \right. \quad (4)$$

(4) чегаравий масалани сонли усулда ечиш учун юқоридаги каби ўлчамсиз масалага келтирилади. Ўлчамсиз масалага ўзгарувчан йўналишлар схемасини қўллаб, $r+0.5$ - вақт оралиқ қатлами учун ички тугунларда қуйидаги чекли-айирмали тенгламага эга бўламиз:

$$\frac{\bar{P}_{i,j} - \hat{P}_{i,j}}{\Delta\tau/2} = \frac{T_{i-0.5,j}\bar{P}_{i-1,j}^2 - (T_{i-0.5,j} + T_{i+0.5,j})\bar{P}_{i,j}^2 + T_{i+0.5,j}\bar{P}_{i+1,j}^2}{\Delta h_x^2} +$$

$$+ \frac{T_{i,j-0.5}\hat{P}_{i,j-1}^2 - (T_{i,j-0.5} + T_{i,j+0.5})\hat{P}_{i,j}^2 + T_{i,j+0.5}\hat{P}_{i,j+1}^2}{\Delta h_y^2} - \delta_{i,j}q_{i,j}.$$

Олинган чекли-айирмали тенглама P босим функциясига нисбатан чизиксиз бўлгани туфайли, уни ечишда квазилинеаризация ва итерация усуллари қўлланилади. У ҳолда, бу чекли-айирмали тенгламани квазичизикли айирмали тенглама кўринишида қуйидагича ёзиш мумкин

$$\frac{2}{\Delta h_x^2} T_{i-0.5,j} \tilde{P}_{i-1,j} \bar{P}_{i-1,j} - \left[\frac{2}{\Delta h_x^2} (T_{i-0.5,j} + T_{i+0.5,j}) \tilde{P}_{ij} + \frac{1}{\Delta\tau/2} \right] \bar{P}_{ij} + \frac{2}{\Delta h_x^2} T_{i+0.5,j} \tilde{P}_{i+1,j} \bar{P}_{i+1,j} = \frac{1}{\Delta h_x^2} \left[T_{i-0.5,j} \tilde{P}_{i-1,j}^2 - \right.$$

$$\left. - (T_{i-0.5,j} + T_{i+0.5,j}) \tilde{P}_{ij}^2 + T_{i+0.5,j} \tilde{P}_{i+1,j}^2 \right] - \frac{1}{\Delta h_y^2} \left[T_{ij-0.5} \hat{P}_{ij-1}^2 - (T_{ij-0.5} + T_{ij+0.5}) \hat{P}_{ij}^2 + T_{ij+0.5} \hat{P}_{ij+1}^2 \right] - \frac{1}{\Delta\tau/2} \hat{P}_{ij} - \delta_{i,j} q_{i,j}.$$


Бу ерда $\bar{P}_{i-1,j}, \bar{P}_{i,j}, \bar{P}_{i+1,j}$ - вақт қатламидаги босим функциялари қийматлари; $\tilde{P}_{i-1,j}, \tilde{P}_{i,j}, \tilde{P}_{i+1,j}$ - босим функцияларининг бошланғич итерация қийматлари; $\hat{P}_{i,j-1}, \hat{P}_{i,j}, \hat{P}_{i,j+1}$ - r - вақт қатламидаги босим функциялари қийматлари;

$$T_{i-0.5,j} = \frac{k_{i-0.5,j} h_{i-0.5,j}}{\mu}, \quad T_{i+0.5,j} = \frac{k_{i+0.5,j} h_{i+0.5,j}}{\mu}, \quad T_{i,j-0.5} = \frac{k_{i,j-0.5} h_{i,j-0.5}}{\mu},$$

$$T_{i,j+0.5} = \frac{k_{i,j+0.5} h_{i,j+0.5}}{\mu}.$$


Чекли айирмали тенгламалар мос чегаравий ва ички шартлар учун оддий прогонка усулида ечилади. Худди шу тарзда у йўналишда тенглама ва шартлар $r+0.5$ -вақт қатлами учун аппроксимацияланади. Итерация жараёни $\max |P_{i,j}^{(s)} - P_{i,j}^{(s-1)}| \leq \varepsilon$ шарт бажарилгунча давом этади. Бу ерда ε - итерация жараёни аниқлиги; s - итерациялар сони.

Ишлаб чиқилган сонли модел асосида ҳисоблаш алгоритми ва дастури яратилган бўлиб, унинг ёрдамида компьютерда ғовак муҳитда нефть ва газнинг фильтрацияси жараёнини тадқиқ қилиш учун қатор ҳисоблаш тажрибалари ўтказилган (1-6 - расмлар).




1-расм. Квадрат фильтрация соҳаси учун ҳисоб натижаси

$$q_1 = q_2 = q_3 = q_4 = 200 \text{ м}^3 / \text{сутка}$$



2-расм. Ихтиёрй фильтрация соҳаси учун ҳисоб натижаси
 $q_1 = 200 \text{ м}^3 / \text{сутка}$

1-ва 2-расмларда турли хил конфигурацияли нефть конлари учун ҳисоблаш натижалари келтирилган. Олинган натижаларни жадвал, контурли график кўринишда, қатлам кесимида ва қудуқларда босимнинг тушиши графиклари кўринишида тақдим этиш мумкин.



3-расм. Майда зарраларнинг ғовакликда чўкиб қолиши ҳисобига босимнинг ўзгариши



4-расм. Майда зарраларсиз қатламда босим ўзгариши

3-4-расмлардан кўриниб турибдики, дастлаб қудуқларда босимнинг тез тушиши кузатилмоқда, кейинчалик эса тушиши стабиллашмоқда, яъни секинлашмоқда. Зарраларнинг чўкиши вақт ўтиши билан қудуқда босимнинг жадал тушишига олиб келади.

Диссертациянинг учинчи «Ғовак муҳитда аралашмайдиган суюқликларнинг биргаликдаги фильтрация жараёнларини сонли моделлаштириш» бобида ғовак муҳитга сув ҳайдаш ёрдамида нефть ёки газни сиқиб бориш жараёнини математик моделлаштириш ва дифференциал-айирмалар схемаси ғоясига асосланган дифференциал прогонка усулида сонли ечишнинг алгоритмини ишлаб чиқиш муаммолари қаралган.

Математик жиҳатдан бундай жараёнлар фазаларнинг силжувчи чегарали масаласи каби шакллантирилади ва қуйидаги чегаравий масала кўринишида ёзилади:

$$\left\{ \begin{array}{l} \frac{\partial}{\partial x} \left(\frac{k}{\mu_1} \frac{\partial P_1}{\partial x} \right) + \frac{\partial}{\partial y} \left(\frac{k}{\mu_1} \frac{\partial P_1}{\partial y} \right) = a \beta_H \frac{\partial P_1}{\partial t} - Q \quad (x, y) \in G_1 \text{ бўлганда,} \\ \frac{\partial}{\partial x} \left(\frac{k}{\mu_2} \frac{\partial P_2}{\partial x} \right) + \frac{\partial}{\partial y} \left(\frac{k}{\mu_2} \frac{\partial P_2}{\partial y} \right) = (1 - a_0) \beta_B \frac{\partial P_2}{\partial t} + Q \quad (x, y) \in G_2 \text{ бўлганда,} \\ P_1 = P_2 = P_H(x, y) \quad t = 0 \text{ ва } (x, y) \in G_1 + G_2 \text{ бўлганда,} \\ q_{H_{i_q}}(t) = \oint_{s_{i_q}} \frac{k}{\mu_1} \frac{\partial P_1}{\partial n} ds, \quad i_q = \overline{1, N_q}, \quad q_{B_{i_q}}(t) = \oint_{s_{i_q}} \frac{k}{\mu_2} \frac{\partial P_2}{\partial n} ds, \quad (x, y) \in s_{i_q}, \quad i_q = \overline{1, M_q}, \\ \frac{\partial P_2}{\partial n} = 0 \quad (x, y) \in \Gamma_2 \text{ учун, } P_1(x, y) = P_2(x, y), \quad \frac{k}{\mu_1} \frac{\partial P_1}{\partial n} = \frac{k}{\mu_2} \frac{\partial P_2}{\partial n} \quad (x, y) \in \Gamma_1 \text{ бўлганда,} \\ \frac{\partial l(x, y, t)}{\partial t} = - \frac{k}{\mu_1 m(a - a_0)} \frac{\partial P_1(x, y, t)}{\partial l}, \quad l(x, y, 0) = \phi(x, y) \quad (x, y) \in \Gamma_1 \text{ бўлганда.} \end{array} \right. \quad (5)$$

Бу ерда P_1, P_2 – босим, нефть ва сув зоналарида; β_n, β_s – нефть ва сувнинг ҳажмий эгилювчанлик коэффициентлари. ($\beta_n = m\beta_{нжс} + \beta_c$; $\beta_s = m\beta_{сжс} + \beta_c$); $\beta_{нжс}, \beta_{сжс}$ – нефть ва сувнинг ҳажмий сиқилувчанлик коэффициентлари; β_c – муҳит сиқилиш коэффициенти; Γ_1 – силжувчи чегара контури; Γ_2 – ташқи контур; s_{i_q} – i_q -чи кудук контури; $q_{H_{i_q}}$ – i_q -чи нефть кудуғи дебити; $q_{B_{i_q}}$ – i_q -чи сув кудуғи дебити; l – Γ_1 силжувчи чегара контури ички нормали йўналтирилишида тезлик вектори; a – нефтга тўйинганлик коэффициенти; a_0 – нефтнинг қолдиқ тўйинганлиги коэффициенти; ϕ – нефть-сув бўлинишининг бошланғич чегараси.

Чегаравий масала (5)-(6) дан ўлчамсиз ўзгарувчиларга ўтгандан сўнг, дифференциал-айирмалар масаласига келиш учун ошқормас ўзгарувчи йўналишлар усули қўлланилади. Бунга асосан r -чи вақт қатлаидан $r+1$ -қатламга ўтиш $0.5\Delta\tau$ қадам билан икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда қуйидаги дифференциал-айирмали тенгламаларни ечиш керак бўлади:

$$\left\{ \begin{array}{l} \frac{d}{dx} \left(k_{i,j} \frac{dP_{1j}^{(r+0.5)}(x)}{dx} \right) - \frac{1}{0.5\Delta\tau} P_{1j}^{(r+0.5)}(x) = - \frac{P_{1j}^{(r)}(x)}{0.5\Delta\tau} - \Lambda_{1y} [k_{i,j} P_{1i,j}^{(r)}], \\ \frac{d}{dy} \left(k_{i,j} \frac{dP_{1i}^{(r+1)}(y)}{dy} \right) - \frac{1}{0.5\Delta\tau} P_{1i}^{(r+1)}(y) = - \frac{P_{1i}^{(r+0.5)}(y)}{0.5\Delta\tau} - \Lambda_{1x} [k_{i,j} P_{1i,j}^{(r+0.5)}], \\ \frac{d}{dx} \left(k_{i,j} \frac{dP_{2j}^{(r+0.5)}(x)}{dx} \right) - \frac{R^*}{0.5\Delta\tau} P_{2j}^{(r+0.5)}(x) = - \frac{P_{2j}^{(r)}(x)}{0.5\Delta\tau} - \Lambda_{2y} [k_{i,j} P_{2i,j}^{(r)}], \\ \frac{d}{dy} \left(k_{i,j} \frac{dP_{2i}^{(r+1)}(y)}{dy} \right) - \frac{R^*}{0.5\Delta\tau} P_{2i}^{(r+1)}(y) = - \frac{P_{2i}^{(r+0.5)}(y)}{0.5\Delta\tau} - \Lambda_{2x} [k_{i,j} P_{2i,j}^{(r+0.5)}]; \end{array} \right. \quad (7)$$

бу ерда

$$\Lambda_{1y} \left[k_{i,j} P_{1i,j}^{(r)} \right] = \frac{k_{i-0.5,j} P_{1i-1,j}^{(r)} - (k_{i-0.5,j} + k_{i+0.5,j}) P_{1i,j}^{(r)} + k_{i+0.5,j} P_{1i+1,j}^{(r)}}{\Delta h^2},$$

$$\Lambda_{1x} \left[k_{i,j} P_{1i,j}^{(r+0.5)} \right] = \frac{k_{i,j-0.5} P_{1i,j-1}^{(r+0.5)} - (k_{i,j-0.5} + k_{i,j+0.5}) P_{1i,j}^{(r+0.5)} + k_{i,j+0.5} P_{1i,j+1}^{(r+0.5)}}{\Delta h^2},$$

$$\Lambda_{2y} \left[k_{i,j} P_{2i,j}^{(r)} \right] = \frac{k_{i-0.5,j} P_{2i-1,j}^{(r)} - (k_{i-0.5,j} + k_{i+0.5,j}) P_{2i,j}^{(r)} + k_{i+0.5,j} P_{2i+1,j}^{(r)}}{\Delta h^2},$$

$$\Lambda_{2x} \left[k_{i,j} P_{2i,j}^{(r+0.5)} \right] = \frac{k_{i,j-0.5} P_{2i,j-1}^{(r+0.5)} - (k_{i,j-0.5} + k_{i,j+0.5}) P_{2i,j}^{(r+0.5)} + k_{i,j+0.5} P_{2i,j+1}^{(r+0.5)}}{\Delta h^2}.$$

Дифференциал прогонка усулига асосан (7) дифференциал-айирмали тенгламалар тизими ечимлари куйидаги формулалардан аниқланади:

$$P_{1j}^{(r+0.5)}(x) = \frac{\gamma_j(x) u_j(x) - \alpha_j(x) w_j(x)}{\alpha_j(x) v_j(x) - \beta_j(x) u_j(x)}, \quad \frac{dP_{1j}^{(r+0.5)}(x)}{dx} = \frac{1}{k_{1j}(x)} \frac{v_j(x) \gamma_j(x) - w_j(x) \beta_j(x)}{[\alpha_j(x) v_j(x) - \beta_j(x) u_j(x)]},$$

$$P_{1j}^{(r+1)}(y) = \frac{\gamma_j(y) u_j(y) - \alpha_j(y) w_j(y)}{\alpha_j(y) v_j(y) - \beta_j(y) u_j(y)}, \quad \frac{dP_{1j}^{(r+1)}(y)}{dy} = \frac{1}{k_{1j}(y)} \frac{v_j(y) \gamma_j(y) - w_j(y) \beta_j(y)}{[\alpha_j(y) v_j(y) - \beta_j(y) u_j(y)]};$$

бу ерда $\alpha_j(x), \beta_j(x), \gamma_j(x)$ ва $u_j(x), v_j(x), w_j(x)$ мос равишда чап ва ўнг прогонка коэффициентлари куйидаги Коши масалаларини ечиш орқали топилади:

$$\left\{ \begin{array}{l} k_{1j}(x) \frac{du_j(x)}{dx} = v_j(x), \quad u_j(0) = 1; \\ \frac{dv_j(x)}{dx} = R_{1j} u_j(x), \quad v_j(0) = 0; \\ \frac{dw_j(x)}{dx} = F_{1j} u_j(x), \quad w_j(0) = 0; \end{array} \right. \quad \left\{ \begin{array}{l} k_{1j}(x) \frac{d\alpha_j(x)}{dx} = \beta_j(x), \quad \alpha_j(1) = 1; \\ \frac{d\beta_j(x)}{dx} = R_{1j} \alpha_j(x), \quad \beta_j(1) = 0; \\ \frac{d\gamma_j(x)}{dx} = F_{1j} \alpha_j(x), \quad \gamma_j(1) = 0; \end{array} \right.$$

$$\left\{ \begin{array}{l} k_{1i}(y) \frac{du_i(y)}{dy} = v_i(y), \quad u_i(0) = 1; \\ \frac{dv_i(y)}{dy} = R_{1i} u_i(y), \quad v_i(0) = 0; \\ \frac{dw_i(y)}{dy} = F_{1i} u_i(y), \quad w_i(0) = 0; \end{array} \right. \quad \left\{ \begin{array}{l} k_{1i}(y) \frac{d\alpha_i(y)}{dy} = \beta_i(y), \quad \alpha_i(1) = 1; \\ \frac{d\beta_i(y)}{dy} = R_{1i} \alpha_i(y), \quad \beta_i(1) = 0; \\ \frac{d\gamma_i(y)}{dy} = F_{1i} \alpha_i(y), \quad \gamma_i(1) = 0. \end{array} \right.$$

Бу ерда

$$F_{1j} = -\frac{P_{1j}^{(r)}(x)}{0.5\Delta\tau} - \Lambda \left[k_{1i,j} P_{1i,j}^{(r)} \right] - \delta_{i,j} q_{i,j}, \quad F_{1i} = -\frac{P_{1i}^{(r+0.5)}(y)}{0.5\Delta\tau} - \Lambda \left[k_{1i,j} P_{1i,j}^{(r+0.5)} \right], \quad R_{1j} = \frac{1}{0.5\Delta\tau}, \quad R_{1i} = \frac{1}{0.5\Delta\tau}.$$

Иккинчи тенглама учун ҳам $P_{2j}^{(r+0.5)}$ ва $P_{2i}^{(r+1)}$ ечим юкоридаги каби аниқланади.

Нефть-сув бўлиниш силжувчи чегара ҳолати куйидаги формула билан аниқланади: $l_{i,j} = \hat{l}_{i,j} - \frac{\Delta\tau k_{i,j}}{m\mu_1} \left[\frac{dP_1}{dx} \cos \bar{\alpha} + \frac{dP_1}{dy} \cos \bar{\beta} \right]$.

Бу ерда $l_{i,j}$ – бўлиниш чегарасида ички нормал бўйича йўналтирилган тезлик вектори $l_{i,j}^{(0)} = \hat{l}_{i,j} = l(x, y, t_0)$; $\bar{\alpha}$ – ox ўқи ва нормаль орасидаги бурчак; $\bar{\beta}$ – oy ўқи ва нормаль орасидаги бурчак: $\bar{\beta} = \frac{3}{2}\pi + \bar{\alpha}$.

Ҳовак муҳитда газ-сув силжувчи чегараси ностационар филтрация жараёнининг математик модели куйидаги кўринишда бўлди:

$$\begin{cases} \frac{\partial}{\partial x} \left(\frac{k}{\mu_1} \frac{\partial P_1^2}{\partial x} \right) + \frac{\partial}{\partial y} \left(\frac{k}{\mu_1} \frac{\partial P_1^2}{\partial y} \right) = 2am \frac{\partial P_1}{\partial t} - Q, & (x, y) \in G_1, \\ \frac{\partial}{\partial x} \left(\frac{k}{\mu_2} \frac{\partial P_2^2}{\partial x} \right) + \frac{\partial}{\partial y} \left(\frac{k}{\mu_2} \frac{\partial P_2^2}{\partial y} \right) = (1-a_0) \beta_B \frac{\partial P_2}{\partial t} + Q, & (x, y) \in G_2, \\ P_1 = P_2 = \bar{P}(x, y), \quad t = 0, \quad (x, y) \in G_1 + G_2, \\ q_{\Gamma_{i_q}}(t) = \oint_{s_{i_q}} \frac{k}{\mu_1} \frac{P_1}{P_{ar}} \frac{\partial P_1}{\partial n} ds, \quad i_q = \overline{1, N_q}, \quad q_{B_{i_q}}(t) = \oint_{s_{i_q}} \frac{k}{\mu_2} \frac{P_2}{P_{ar}} \frac{\partial P_2}{\partial n} ds, \quad (x, y) \in s_{i_q}, \quad i_q = \overline{1, M_q}, \\ \frac{\partial P_2}{\partial n} = 0, \quad (x, y) \in \Gamma_2, \quad P_1(x, y) = P_2(x, y), \quad \frac{k}{\mu_1} \frac{\partial P_1}{\partial n} = \frac{k}{\mu_2} \frac{\partial P_2}{\partial n}, \quad (x, y) \in \Gamma_1, \\ \frac{\partial l}{\partial t} = -\frac{k_1}{\mu_1 m (a - a_0)} \frac{\partial P_1}{\partial l}; \quad l(x, y, 0) = \phi(x, y), \quad (x, y) \in \Gamma_1. \end{cases}$$

Математик моделнинг биринчи тенгласи босим функциясига нисбатан чизиқсиз бўлганлиги учун масалани ечишда II-бобдаги каби чизиқсиз ҳадлар квазилинеаризация қилинади ва итерация усулидан фойдаланилади.

Ҳовак муҳитда нефть-сув ва газ-сув биргаликдаги ностационар филтрацияси жараёни тадқиқи бўйича ҳисоблаш тажрибалари ўтказилган.

5-расмда тўртбурчак соҳа учун блокланган сув ҳайдаш йўли билан қатламнинг чап қисмидаги учта сув ҳайдаладиган қудуқлар ёрдамида қатламнинг бошланғич босими сунъий сақланади. Бунда ҳисоб соҳаси марказида битта ишлаётган нефть қудуғи жойлаштирилган.



5-расм. Блокланган сув ҳайдаш йўли билан қатламда босимни тушиб кетишидан сақлаш

Расмдан кўришиб турибдики, қатламнинг бошланғич босими ўнг томонда айрим интервалларда деярли бир хил, сўнгра ишлаётган қудуқ жойлашган нуқтада ўзининг минимал қийматларига эга бўлмоқда. Маълум вақт оралиғида қатламнинг ўнг қисмида босимнинг тушиб бориши

кузатилади (бу қисм графикда қора ранг билан белгиланган). Вақт ўтиши билан эса бу жараён меъёрлашади, яъни чап томонда босим ошиб бориши кузатилади.

Диссертациянинг тўртинчи «**Кўп қатламли ғовак муҳитда нефть ва газнинг фильтрация жараёнларини моделлаштириш**» бобида кўп қатламли ғовак муҳитда суюқликларнинг фильтрацияси жараёнининг математик модели ишлаб чиқилган ва масаланинг тақрибий-аналитик ечими олинган. Динамик алоқадаги икки қатламли ғовак муҳитда нефть ва газ фильтрацияси масалаларининг сонли моделлари ва ҳисоблаш алгоритмлари ишлаб чиқилган.

Кўп қатламли суюқликлар фильтрацияси жараёнининг уч ўлчовли математик модели қуйидаги тенгламалар ва чегаравий шартлар билан ёзилади:

$$\begin{cases} \frac{1}{a_1} \frac{\partial P_1}{\partial t} = \frac{\partial^2 P_1}{\partial x^2} + \frac{\partial^2 P_1}{\partial y^2} + \frac{\partial}{\partial z} \left(k_1(z) \frac{\partial P_1}{\partial z} \right), \\ \frac{1}{a_2} \frac{\partial P_2}{\partial t} = \frac{\partial^2 P_2}{\partial x^2} + \frac{\partial^2 P_2}{\partial y^2} + \frac{\partial}{\partial z} \left(k_2(z) \frac{\partial P_2}{\partial z} \right) - \delta Q, \\ \frac{1}{a_3} \frac{\partial P_3}{\partial t} = \frac{\partial^2 P_3}{\partial x^2} + \frac{\partial^2 P_3}{\partial y^2} + \frac{\partial}{\partial z} \left(k_3(z) \frac{\partial P_3}{\partial z} \right); \\ \left\{ \begin{array}{l} P_s|_{t=0} = P_{0,s}(x, y, z), \quad P_s|_{x=0} = \varphi_{1,s}(y, z, t), \quad P_s|_{x=L_1} = \varphi_{2,s}(L_1, y, z, t), \quad P_s|_{y=0} = \psi_{1,s}(x, z, t), \\ P_s|_{y=L_2} = \psi_{2,s}(x, L_2, z, t), \quad P_s|_{z=0} = \zeta_{1,s}(x, y, t), \quad P_s|_{z=L_3} = \zeta_{2,s}(x, y, L_3, t). \end{array} \right. \end{cases}$$

Кўриниб турибдики, қатламлар орасидаги чегараларда қуйидаги уланиш шартлари бажарилиши керак:

$$P_s|_{z=m_{s+1}} = P_{s+1}|_{z=m_{s+1}}; \quad k_s \frac{\partial P_s}{\partial z} \Big|_{z=m_{s+1}} = k_{s+1} \frac{\partial P_{s+1}}{\partial z} \Big|_{z=m_{s+1}}.$$

Бу ерда $s=1,2,3$ – қатлам тартиб рақами; P_s – s -қатламдаги босим; $k(z)_s$ – s қатламдаги фильтрация коэффициенти; a_s – s – қатламдаги пьезоўтказувчанлик коэффициенти; $\varphi_{1,s}(y, z, t)$, $\varphi_{2,s}(L_1, y, z, t)$, $\psi_{1,s}(x, z, t)$, $\psi_{2,s}(x, L_2, z, t)$, $\zeta_{1,s}(x, y, t)$, $\zeta_{2,s}(x, y, L_3, t)$ – фильтрация соҳаси чегарасидаги берилган узлуксиз функциялар; m_{s+1} – қатлам бўлиниш нуқталари;

Q – кудуклардаги дебит, $Q = \sum_{i=1}^r \delta q_i(t)$.

Чекли-айирмалар ва дифференциал-айирмалар усуллари асосида кўп қатламли ғовак муҳитда суюқлик фильтрацияси жараёни масаласини ечишнинг тақрибий-аналитик ечими олинган.

Кўп қатламли нефть конларини ишлашини таҳлил қилишда қатламлар орасидаги гидродинамик алоқани ҳисобга олиш зарур. Агар қатламлар хусусиятларига кўра бир жинсли бўлса, масалани бир ўлчамли ёки икки ўлчамли тарзда шакллантириш мумкин. Хусусий ҳолда ёмон ўтказувчан қатламга эга икки қатламли ғовак муҳитларда нефтнинг филтрланиш масаласини параболик типдаги бошланғич ва чегаравий шартларга эга тенгламалар тизими каби ёзиш мумкин:

